*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 132 (8622). ● 11 июль, 1985 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси навбатдаги мажлисида 1985 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани социал-иқтисодий ривожлантириш планининг бажарилиш якунларини кўриб чиқди. Саноат маҳсулоти реализация қилиш юзасидан шу йилнинг олти ойи плани 100,5 процент бажарилганлиги қайд этиб ўтилди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,4 процент, меҳнат унумдорлиги 4,8 процент ошди, бу эса йиллик топшириқдан ортиқдир. Қишлоқ хўжалигида ғўзани парвариш қилиш, бошоқли дон экинларини ўриб, йиғиб олиш ва янчиш борасидаги қизғин ишлар давом этмоқда. Пилла харид қилиш йиллик ва беш йиллик планлари муваффақиятли бажарилди. 1,7 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди, 1,3 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга Марказий Комитет бюроси партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, министрликлар ва идоралар КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми қарорлари талаб этаётганидек ишлаб чиқаришни интенсивлаш, унинг самарадорлигини ошириш сари ҳали қатъий бурилишни таъминламаганликларини таъкидлаб ўтди. Чунончи, маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини ҳисобга олганда айниқса, минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлиги, енгил саноат министрлиги, мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг корхоналари маҳсулот реализация қилиш ярим йиллик планини бажармадилар. Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона областларининг саноати йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдира олмади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида имкониятлар ва резервлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Навоий, Бухоро ва Тошкент областларида дон экинлари ўрим-йиғими кечиктирилмоқда, мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш ишлари яхши авж олдирилмаяпти. Баъзи областлар ҳамда районларнинг партия, совет ва хўжалик органлари чорвачиликдаги аҳволни яхшилаш учун етарли чоралар кўришмаяпти. Капитал қурилишдаги ишлар секинлик билан яхшиланмоқда. Темир йўл ҳамда автомобиль транспортида юк ва пассажир ташишни ташкил этишда жиддий камчиликлар бор. Маиший хизмат, савдо корхоналари бир маромда ишламаяпти. Айрим хўжалик раҳбарлари фан-техника ютуқларини жорий этишга, сермеҳнат ишларни механизациялашга, атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини бажаришга ҳамон бепарволик билан муносабатда бўлмоқдалар.

Қабул қилинган қарорда йиллик план ҳамда беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга меҳнат коллективларини сафарбар қилиш борасида партия, совет, хўжалик органларининг конкрет вазифалари белгиланди. Марказий Комитет бюроси область партия комитетларидан, министрликлар ва идоралардан, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларидан планларни бажаришдаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этишларини, куч-ғайратни халқ хўжалигининг энг муҳим йўналишларига, уни интенсив ривожланиш йўлига ўтказишга қаратишларини талаб қилди. Корхоналарнинг техника билан қайта қуролланишига, барча турдаги ресурсларни тежаб-тергашга, капитал маблағлар самарадорлигини оширишга партиявий таъсирни кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига министрликлар ва идоралар билан биргаликда ҳар бир меҳнат коллективини келгуси беш йилликдаги иқтисодий ва социал ривожланиш планларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиб, уларни муҳокама этиш таклиф қилинди. Ҳар бир коллектив меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашда, таннархни арзонлаштиришда, ресурсларни тежашда барча мавжуд резервларни беш йиллик планларига киритиши энг муҳим ишдир. КПСС XXVII съездини кутиб олиш соҳасида социалистик мусобақани янада авж олдириш юзасидан партия ва касаба союз ташкилотларининг ишини кучайтириш керак.

Социалистик турмуш тарзини пропаганда қилиш ҳамда уни республика аҳолисининг турмушига татбиқ этишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Область, шаҳар, район партия комитетларига, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларига совет анъаналари, расм-русм ва маросимларини меҳнат ва ўқув коллективларининг ҳаётига, аҳоли турмушига изчиллик билан татбиқ этиш, ўтмиш сарқитларини ва диний хурофотларни қатъият билан тугатиш, ёшларни Коммунистик партия билан совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашни кучайтириш топширилди. Партия, совет, давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини комплекс бошқариш ва уни мувофиқлаштиришни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида совет турмуш тарзини такомиллаштириш кенгашини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Область, шаҳар ва район партия комитетлари ҳузурида худди шундай кенгашларни тузиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришга, ташкилотчилик ҳамда сиёсий ишларга оид бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

## КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА — 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК!

### БУГУН НАВБАТДАГИ ОЛТИНЧИ ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК БОШЛАНАДИ

● Бешинчи зарбдор ўн кунлик тугади.

● КПСС XXVII съезди шарафига ўтказилаётган ўн кунликларда юксак меҳнат ютуқларига эришган коллективлар ва ишлаб чиқариш илғорлари сафи кенгаяверсин.

● Ҳамма ерда беш йилликни муваффақиятли якунлаш, план ва социалистик мажбуриятларни ошириб бажариш учун ўзаро мусобақани янада қизитайлик.

## МИНУТЛАРНИ ТЕЖАБ

ОЛМАЛИҚДАГИ 6-ғишт заводлари бошқармаси сурункасига бир неча йилдан бери ишлаб чиқариш топшириқларини бажара олмасди. Ўтган йилнинг ўзида пландагига нисбатан 3 миллион дона кам ғишт етказиб берилди.

Корхона маъмурияти, партия ташкилоти бу қолоқликнинг сабабларини ўрганишга қатъий киришгач, меҳнат интизомининг бўшлиги ишларни орқага тортаётганлиги аниқланди. Шундан сўнг барча ишлаб чиқариш участкаларида иш вақтидан унумли фойдаланиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга зўр берилди. Бу ҳаракатлар эса тез орада ўз самарасини кўрсатди: ойлик ва квартал планлар зиёдаси билан бажарила бошланди. Шу йилнинг ўтган олти ойи давомида пландан ташқари 1 миллион 300 минг дона ғишт тайёрланди.

Корхонада «КПСС XXVII съезди шарафига — 27 зарбдор ўн кунлик!» шиори остида ўтказилаётган социалистик мусобақа ҳам кўрсаткичларнинг юксалишига ёрдам беряпти. Ҳар зарбдор ўн кунликда ғолиблар аниқланиб, улар шарафланмоқда. Сўнгги зарбдор ўн кунликлар якунларига кўра Ҳ. Абдураҳмонова, Ю. Никифоров, А. Расчупкин ва А. Аҳмедвалиевалар етакчилик қилаётган участкалар ғолиблик қилганликлари қайд этилди.

О. ХУШНАЗАРОВ.

## УНУМДОРЛИК ҲИСОБИГА

ОБЛАСТЬ йўл қурилиши бошқармаси бўлинмаларида КПССнинг навбатдаги XXVII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш, ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилини меҳнатда юксак кўрсаткичлар билан нишонлаш учун социалистик мусобақа тобора авж олаяпти. Аксарият кўпчилик ишчи-хизматчилар зарбдор вахтада туриб ишлашяпти. Улар иш вақтидан ва мавжуд асбоб-ускуналардан унумли фойдаланишга, илғор иш усулларини қўлланишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Шунинг учун ҳам коллективнинг меҳнат ютуқлари салмоқли бўлмоқда. Давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятлар шараф билан уддаланяпти. Ҳар ойда қўшимча ўнларча минг сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, коллективда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши асосан меҳнат унумдорлиги ҳисобига таъминланяпти.

Бошқармада амалга оширилаётган ташкилий-техникавий тадбирлар коллектив фаолиятининг ҳамма кўрсаткичлари қатори меҳнат унумдорлигининг ҳам кескин ортишига олиб келмоқда. Шу йилнинг ўтган ойларида унумдорлик белгиланганига нисбатан деярли 9 процент ошди. Шунинг эвазига бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 254 минг сўмликни ташкил этди.

Умуман коллектив бу йил қурилиш ҳажмининг ҳам анча ортишига эришмоқда. Ўтган беш ойда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари 545 минг сўмлик кўп бўлди. Бу ўсиш суръати 17,6 процентни ташкил этди демакдир.

Бошқарма ишчи-хизматчилари қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш учун мусобақа байроғини янада баланд кўтармоқдалар, янги-янги резервларни қидириб топиб ишга солишга интилмоқдалар.

М. МАҲМУДОВ.

### ҒАЛЛА — ДАВЛАТГА

## МАРРАГА ЕТДИЛАР

**«КПСС XXVII съезди шарафига 27 зарбдор ўн кунлик!» шиори остида бошланган мусобақага актив қўшилиб меҳнат қилаётган Чиноз районн ғаллакорлари далаларда бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Куни кеча улар давлатга дон сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Қабул пунктларига пландаги 1633 тонна ўрнига 1660 тоннадан зиёд дон етказиб берилди.**

**Районда йиллик планнинг муддатидан илгари бажарилишида ўрим-йиғимга барча ишчи кучларини, техникани тўлиқ ишга солинганлиги катта роль ўйнади. Жумладан, мавсумга пухта тайёрланган 30 та ўрим-йиғим комбайни юқори унум билан ишлатилди.**

**Ғалабага районидаги Жамбул номли совхоз, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми, Охунбобоев номли колхозларнинг ғаллакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Бу хўжаликларда суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб ғалла йиғиштириб олинди.**

## ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШГА—ДОИМИЙ ЭЪТИБОР

**◆ Паркент районидаги Калинин номли совхознинг Малла Мирвалиев бошлиқ ем-хашакчилик бригадаси коллективи беш йилликнинг якунловчи йилида чорва қишлови учун 2 минг 898 тонна дағал хашак жамғаришни режалаштирган. Ҳозиргача тайёрланган озуқа миқдори 2 минг 300 тоннадан ошди. Бунда бригаданинг 37 нафар аъзосининг ўзига бириктилган 13 та техника воситаларидан унумли фойдаланаётганлиги, ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб ўрим-йиғим ва жамғариш ишларини конвейер усулида олиб бораётганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.**

**Суратларда: (чапдан) дағал хашакни ўриб-йиғиш ва прессланган озуқани ғарамлаш пайти; илғор механизатор, коммунистик меҳнат зарбдори Азмиддин Одилов ўтган беш кунлик якуни бўйича ғолиб чиқиб, кўчма вимпелни қўлга киритди.**

А. Зуфаров фотолари.







## КЎРГАЗМАДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТОШКЕНТГА

Жаҳондаги ўн етти мамлакат, шу жумладан Венгрия, ГДР, Польша, Австрия, Буюк Британия, Италия, ГФР, Япониянинг ўттиздан кўпроқ машинасозлик корхонаси ва фирмаси «Ирригация-85» («Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш воситалари, методлари») халқаро кўргазмасида иштирок этиш истагини билдириб, илтимосномалар юборишди. Кўргазма сентябрь ойининг охирларида Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ўтади.

Бутуниттифоқ «Экспоцентр» бирлашмаси, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда республика савдо-саноат палатаси экспозициянинг ташкилотчиларидир. Кўргазмада оқинди ва минераллашган сувлардан экинларни суғоришда фойдаланиш юксак самарали системалари, сув тақсимоти ҳамда суғоришни бошқаришнинг автомат ва телемеханик воситалари, насос ҳамда дренаж ускуналари намойиш этилади. Кўргазма ҳузурида коммерсия маркази очилади.

Ўзбекистонда бундай экспозиция биринчи марта ўтказилади. Уни ўтказиш жойининг танланганлиги республикамизда мелиорация ишларининг юксак даражада эканлиги билан белгиланган. Кўргазмада иштирок этиш учун илтимосномалар ҳамон келиб турибди.

(ЎзТАГ).

## ОЗУҚАКОРЛАР ҒАЙРАТ КЎРСАТМОҚДА

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги Оржоникидзе номли совхоз чорвадорлари чорва қишлови учун мўл-кўл озуқа жамғаришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Хўжаликда озуқа жамғариш билан шуғулланувчи махсус бригада ташкил этилган. Бу коллектив тўрт йилдан буён бригада пудрати асосида иш юритиб, озуқа экинлари ҳосилдорлигини оширишга эришиб келмоқда.

— Бригадамизнинг 213 гектар экин майдони бор, — дейди Султонмурод Мирзаёқубов. — Биз бу йил 30 гектар ердаги илдизмевали экинларнинг ҳосилдорлигини 400 центнерга етказишга, 62 гектар майдондаги силос учун экилган маккажўхоридан эса 406 центнердан кўкпоя олишга сўз берганмиз. Бундан ташқари 103 гектар ердаги эски бедадан 140 центнердан, 18 гектар янги бедадан 78 центнердан озуқа етиштиришга аҳд қилганмиз. Шу кунгача П. Жуманов, С. Азизов, Д. Бозорбоев сингари механизаторлар, А. Қурбонбоев, С. Мамарасулов сингари ишчиларимизнинг ғайрат-шижоатлари туфайли чорва моллари учун 1200 тоннага яқин дағал хашак жамғардик.

Бундай ютуққа коллектив пудрат усули асосида иш олиб бораётганлиги туфайли эришмоқда. Коллектив аъзолари 35 та машина-механизмдан самарали фойдаланиб, экинзорларга агротехника қоидалари асосида ишлов бериш ва етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда ўриб-йиғиб олиш тадбирларини амалга ошираяптилар.

Бригадада 34 киши меҳнат қилади. Уларнинг барчаси совхоз маъмурияти билан йил бошида тузилган шартнома асосида уруғлик, техника, ёнилғи-мойлаш материаллардан тежаб-тергаш, маҳсулот таннархини арзонлаштириб тўйимли ва сифатли озуқа етиштириш учун бор имкониятларни ишга солмоқдалар.

Ҳ. МАНСУРОВА.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» БОНГ УРАДИ

## НАСИЯГА ИШОНМАНГ, ПУШАЙМОН БЎЛАСИЗ

**БОШ зоотехник Г. Т. Пак идорага хуноб бўлиб келди. Чунки, тонг саҳардан сомон қидириб қаерларга бориб келмади. Ҳамма жойда бир хил жавоб: сомон ўзларига керак эмиш. Унинг, қолаверса, колхоз раҳбарларининг умиди эса четдан сомон харид қилишда эди. Эшовидан тушови қимматга тушадиган бу чора—чорва қишловини амал-тақал қилиб ўтказиш имконини берарди. Энди нима қилишади!**

**Ўйлайвериб, Георгий Тихоновичнинг тунда уйқулари қочиб кетади. Колхозда қиш даври учун бор-йўғи 460 тонна беда пичани, 117 тонна табиий хашак, 41 тонна сомон ва 58 тонна ўт уни жамғарилди. Буларнинг жами 619 тонна бўлади. Қишлов учун эса план бўйича камида 4293 тонна дағал хашак, шу жумладан, 2123 тонна беда пичани, 1170 тонна сенаж, 900 тонна сомон ва 200 тонна ўт уни керак. Ҳозиргача эса дағал хашак жамғариш плани эндигина 15 процент атрофида бажарилди.**

**Хўжаликда, бош зоотехник эътироф этишича бундан буён чорва қишлови учун беда пичани жамғариш имконияти йўқ. Чунки, ҳозир учинчи марта ўрилаётган беда молларга кўклай едириш учун аранг етаяпти. Бу йил 251 гектар майдонга маккажўхори, 30 гектар ерга хашаки лавлаги экилди, ширали озуқа мўл бўлади, деган умидда мутлақо сенаж бостирилмади. Ўт уни тайёрлашни жадаллаштириш учун ҳам хашак етишмаяпти.**

**...Коммунистик районидаги Свердлов номли колхоз раҳбарлари-ю, чорвачилик мутахассисларининг юз берган аҳволдан гаранг бўлиб, хўжаликма-хўжалик сомон ахтариб юрганликларига ҳайрон қолмай бўлмайди. Хўш, нима учун бу ерда ем-хашак тайёрлашда ҳозирдан ана шундай ташвишли аҳвол юзага келди! Нима, озуқа экинлари майдони камайиб кетдими ёки бирор табиий офат содир бўлдими!**

**Йўқ. Ҳамма гап ишга муносабатда. Хўжаликда эски бедазорлар 280 гектарни, янгилари эса 173 гектарни ташкил этади. Агар улар сифатли парвариш қилинганда, беда ўрими муддатлари қисқартирилганда қишлов учун етарли пичан жамғариш имконияти бор эди.**

**Бедапоялар парвариши В. В. Пак бошлиқ ихтисослаштирилган ем-хашак бригадаси коллективи зиммасига юклатилган. Бригаданинг 19 аъзоси бўлиб, ҳозир уларнинг 10 нафари бедапояларни суғориш билан машғул. Бир қараганда сувчилар сони кам эмас. Лекин бедапояларнинг ҳозир тўртинчи марта суғорилаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин. Маълумки, беда тез ўсиши ва етилиши учун ўримлар орасида камида икки марта суғорилиши керак. Колхозда учинчи ўрим тугаётганлиги ҳисобга олинса, ҳозир аслида олтинчи суғориш бошланиши лозим эди. Демак, бедазорларни суғоришга қўшимча ишчи кучи жалб этиш талаб қилинади.**

**Колхозда пичан жамғаришни кўпайтириш мақсадида лалмикор майдонларга экилган бедага катта умид боғлашганди. Аммо, бедапояларни насос орқали суғоришни йўлга қўйиш шу кунгача чўзиб келинди. Эндигина бу ерларга сув чиқариш учун иккита насос ўрнатилмоқда. Шунча вақт қўлдан бой берилганлиги туфайли лалмикор ерлардаги бедалар ҳали биринчи марта ўриш учун ҳам етилгани йўқ!**

**Ем-хашак тайёрлашда аҳвол танглашгандан сўнг колхозда табиий ўтлардан пичан жамғарадиган комсомол-ёшлар бригадаси ташкил этилди. Бу бригадага атиги 9 нафар аъзо бириктиб қўйилди, холос. Бу ўринда ҳақли савол туғилади: фермаларида 2000 бошдан кўпроқ қорамоли бўлган хўжалик учун пичан жамғаришга атиги 9 киши камлик қилмасмикин!**

**Колхозда чорва озуқаси муаммоси бугун пайдо бўлгани йўқ. Ўтган чорва қишлови ем-хашак тайёрлашда йўл қўйилган жиддий камчиликларни яққол намоён этди. Қиш даврида моллар, айниқса, сигирлар рацион асосида тўйимли ем-хашак билан боқилмаганлиги оқибатида улар озиб, маҳсулдорлиги кескин камайиб кетди. Ҳассасига таяниб қолган сигирлардан қанча сут соғиб олинарди!! Буни шу йилнинг биринчи ярмида колхозда ҳар бир сигирдан 1292 килограммдан, яъни ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 748 килограммдан кам сут соғиб олинганлиги ҳам исботлаб турибди. Чорвадорлар давлатга сут сотиш бўйича ярим йиллик планни уддалай олмадилар. Қабул пунктларига планда белгиланганидан 80 тонна, ўтган йилнинг шу давридагидан эса 127 тонна кам сут етказиб берилди.**

**Хўжалик раҳбарлари, чорвачилик мутахассислари 1985—1986 йилги қишловни ўтказиб олсак, келгуси йилда янги бедапоялардан қўшимча пичан олиб, озуқани кўпайтирамиз, деб умид қилмоқдалар. Воажаб!.. Мўлжалдагининг олтидан бир қисмидан ҳам камроқ дағал хашак жамғариб қишловни қандай беталофат ўтказиш мумкин бўларкин!!**

**Ҳали ҳам вақт бор. Беда, бошқа озуқа экинлари парваришини кескин яхшилаш, ўрим-йиғим суръатларини янада жадаллаштириш, қўшимча озуқа жамғариш имкониятларини тўла ишга солиш ҳисобига аҳволни тузатиш мумкин. Бу қийин иш. Аммо унинг уддасидан чиқса бўлади.**

**Э. ЭРНАЗАРОВ,**
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

## ЭНГ ЯХШИ ЁТОҚХОНАЛАРГА МУКОФОТ

ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети ва СССР темирйўллар министрлиги уюштирган кўрик-конкурсда Ўрта Осиё темирйўлининг Тошкент ва Самарқанд бўлинмалари, шунингдек Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институтининг ётоқхоналари энг яхши ётоқхона, деб эътироф этилди. Бу ётоқхоналарда яхши маиший шароит яратилган, лекция пропагандаси иши йўлга қўйилган, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, бошқа тадбирлар мунтазам ўтказилиб турибди.

(ЎзТАГ).

